

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



3 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Чимкент шаҳрида норасмий учрашув ўтказдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ кооперация лойиҳаларини жадаллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари икки мамлакат Бош вазирлари ўринбосарлари, махсус ишчи гуруҳлар ҳамраисларининг имзоланган битимлар ва қабул қилинган қарорлар ижросининг бориши тўғрисида ҳисоботларини тингладилар. Президентлар sanoat, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларида амалий ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

Маданий-гуманитар алмашувларни фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, бўлажак тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Учрашув ҳар доимгидек очик, самимий ва дўстона муҳитда ўтди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

3 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат хузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норматова олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ялпи мажлисининг иккинчи иш куни сенаторлар дастлаб "Энергия ресурсларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини бартараф қилиш ҳамда истеъмолчилар томонидан табиий газ ва электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларга қарамасдан бугунги кунда энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ қонунбузарликлар салмоғи ортиб бормоқда.

Хусусан, Бош прокуратура томонидан 2022 йил ва жорий йилнинг ўтган даври юзасидан электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик ҳолатлари бўйича 433 та жиноят иши кўзга тутилган. Ушбу жиноятлар оқибатида давлат манфаатларига 368,1 миллиард сўм миқдорда моддий зарар етказилган. Шунингдек, сув таъминоти тармоқларига 1 624 та ноқонуний улашлар аниқланиб, қонунбузарликларга йўл қўйган шахслардан 7 миллиард 144 миллион сўмлик қўшимча тўловлар ундирилган.

Амалдаги Жиноят кодексида белгиланган энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик чораларининг етарли эмаслиги бундай жиноят содир этиб, давлатга катта миқдорда зарар етказган шахсларга нисбатан бугунги кунда тегишли чоралар кўриш имкониятини бермапти.

Шу сабабли энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланганлик, бу борадаги ваколатли органларнинг кўрсатмаларини бажармаганлик ҳолатлари учун жавобгарлик чораларини кучайтириш зарурати вужудга келганлиги алоҳида қайд этилди.

Мазкур қонун юқоридаги муаммоларни бартараф этиш билан бирга энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Хусусан, умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчилик билан улаш ишлари ҳисобга олиш асбоблари ва лямпабалари қасддан шикаст етказиш, шунингдек, ушбу қилмишларни коммунал хизмат ташкилотларининг мансабдор шахслари ёки ходимлари билан тил бириктириб, содир этилган жиноят ҳолатлари эндиликда ўғриллик жинояти деб баҳолалини назарда тутилмоқда.

Қўшилмаслик ҳаракати — мулоқот учун муҳим майдон

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 1-2 март кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Боку шаҳрига ташриф доирасида давлатимиз раҳбари Қўшилмаслик ҳаракати саммитининг ялпи сессиясида иштирок этди.

Акс садо

Озарбайжон томонининг раислигида ўтган тадбир кун тартибидан пандемия оқибатларининг таъсири сақланиб қолаётган, халқро ҳавфсизлик ва барқарорликка хавф-хатар ва таҳдидлар қўчайиб бораётган шароитда кўп томонлама мулоқотни ривожлантириш ҳамда амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари ўрин олди. Бундан ташқари, Ўзбекистон етакчиси Озарбайжон Президенти билан учрашиб, илгари эришилган келишувларни амалга ошириш масалаларини муҳокама қилди.

Биз ва жаҳон

Франциянинг тулуза шаҳрида «ЎЗБЕК БОҒИ» ВА МИРЗО УЛУҒБЕК ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Самарқанд вилояти ҳокимлиги делегацияси Франциянинг Жанубий қисмида жойлашган Окситания минтақасига ташриф бурди. Тулуза — ушбу минтақа маркази, шунингдек, Франциянинг йирик иқтисодий ҳудудларидан биридир. Минтақанинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми қарийб 50 миллиард еврога тенг. Окситания Европада аэроавиация, электроника, ахборот-коммуникация технологиялари, биотехнологиялар, кимё ва фармацевтика соҳасида юқори ўринлардан бирини эгаллайди.

Ташриф давомида делегация аъзолари Окситания минтақаси вице-президенти Надия Пелефиг, Окситания иқтисодий ривожланиш агентлиги раҳбарияти ва Тулуза мэрияси масъуллари билан учрашувлар ўтказди, шунингдек, "Airbus" самолётсозлик заводи фаолияти билан танишди.

Жумладан, Окситания минтақасининг вице-президенти Надия Пелефиг билан бўлиб ўтган учрашувда Самарқанд вилоятининг иқтисодий, инвестиция ва сайёҳлик салохиятига бағишланган тақдимотлар ўтказилди. Франция томони билан ўзаро манфаат касб этилган соҳаларда ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга иккинчи расмий ташрифи яқунлари ўзаро муносабатларни ривожлантиришга туртки бўлгани таъкидланди.

"Airbus" самолётсозлик компанияси раҳбарияти билан бўлиб ўтган учрашув чоғида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қабул қилинган "Са-

ҳариянинг энг устувор йўналиши. Кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми анча кўпайди. Қўшма корхона ва лойиҳалар сони 4 баробар ошди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон Президентларининг учрашуви чоғида ҳамкорликни тубдан фаоллаштириш учун кенг имкониятлар борлиги, энг аввало, иқтисодий тармақнинг бир-бирини тўлдириб туришига ишонч билдирилди. Ҳожикабул шаҳрида автомобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, ипакчилик соҳасидаги шериклик ривожланаётгани бунга мисол. Қазиб чиқариш, нефть-кимё, фармацевтика, қурилиш материаллари, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, озиқ-овқат, заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, виночирикда ўнлаб янги лойиҳалар яратилмоқда.

Навбатдаги муҳим йўналиш — стратегик коммуникацияларни ривожлантириш. Бугун юкларни, шу жумладан, Боку — Тбилиси — Қарс темир йўли орқали ташиш ҳажми ортиб бормоқда. Томонлар янги йўналишларни ташкил этиш, мультимодал ташишларни кўпайтириш, транспорт корхоналари учун кулай шарт-шароитлар яратишга келишиб олдилар. Илмий ва инновацион ечимлар билан фаол алмашиш, агар тармоқни рақамлаштириш бўйича шериклини йўлга қўйиш, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қарор қилинди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март куни Боку шаҳрида бўлиб ўтган Қўшилмаслик ҳаракати саммитининг ялпи сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади. Ўзбекистон Қўшилмаслик ҳаракатига 1992 йил сентябрь ойида аъзо бўлган.

Ўзбекистон Президентининг Шавкат Мирзиёев 2 март куни Боку шаҳрида бўлиб ўтган Қўшилмаслик ҳаракати мулоқот гуруҳининг саммитида иштирок этиб, унда ўзбек тилида нутқ сўзлади.

Нўқтаи назар

Бу нафақат Ўзбекистон аҳлининг, балки дунёдаги кўплаб мамлакатларда яшовчи миллатдошларимизнинг қалбини чексиз қувончга, фахр-ифтихорга тўлдирди. Чунки нуфузли халқаро анжуманда ўзбек тилининг янграши халқимизнинг дунёда ўз ўрнига, ўз сўзига эга эканлигини яна бир бор намоён этди. Zero, тил ҳар бир миллатнинг ҳаёт сарчашмасидир. Ушбу бебаҳо неъмат бор экан, халқ яшайверади. Улуғ маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний тавбири билан айтганда, "ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи

ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур".

Дунёдаги мавжуд минглаб тиллар орасида фақат 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга. Ана шу мақомга эга тиллар орасида айнан ўзбек тилининг ҳам борлиги ҳар биримизни хурсанд қилади, гурурлантиради.

Бугунги кунда Ер юзиде 50 миллионга яқин аҳоли ўзбек тилида сўзлашади. Бу рақам она тилимизнинг умрбоқийлигини мустаҳкамловчи муҳим омиллардан биридир. Таассуфки, мустабид тузум даврида миллат руҳи,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Янгилаётган конституция — ёшлар нигоҳида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Конституциявий қонун лойиҳасини тайёрлашга масъул бўлган — Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмиталари, шунингдек, Ёшлар парламенти ҳамкорлигида "Янгилаётган Конституция — ёшлар нигоҳида" мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

Унда "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар фаол ёшлар, хусусан, Ёшлар парламенти аъзолари иштирокида муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ўтган вақт мобайнида Қонунчилик палатасининг масъул кўмиталари томонидан янгилаётган Конституция лойиҳаси истида қизгин иш олиб борилди. Бунда асосий эътибор умумхалқ муҳокамаси, конституционализм соҳасида етук олимлар, жамоатчилик вакиллари, халқро ва хорижий экспертлар иштирокидаги муҳокамаларда берилган таклифлари ҳар томонлама таҳлил қилишга ҳамда уларнинг энг долзарбларини лойиҳада акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан бугунга қадар 220 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушди. Уларнинг 60 фозидан ортиғи бевосита ёшлар томонидан берилган. Шунинг учун ҳам янгилаётган Конституцияда ёшларга оид қатор нормалар ўз аксини топаётди, ҳатто битта алоҳида боб "Оила, болалар ва ёшлар" масаласига бағишланди.

Давра суҳбати

ҲАРБИЙ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЭЪТИРОМ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси томонидан "Мамлакатимизнинг мудофаа салохиятини ошириш борасида амалга оширилаётган иш-ҳаракатларда ҳарбий хизматчи аёлларнинг ўрни" мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

Қуйи палата депутатлари, ҳарбий хизматчи аёллар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда хотин-қизлар манфаатига қаратилган сайёҳатлар, қабул қилинаётган меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзбек аёлларнинг ҳам оила, ҳам жамиятдаги нуфузини юксалтиришга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда хо-

тин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, қобилият ва салоҳиятини рўйбога чиқариш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги давлат сиёсатини самарали олиб бориш мақсадида энг қуйи бўлган — маҳалла ва хонадонгача кириб борадиган вертикаль тизим яратилди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Шу билан бирга, Жиноят кодексига "тижорат мақсади" тушунчаси киритилиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг муайян фаолиятида фойда, даромад олиш, наф кўришга қаратилган мақсад эканлиги белгиланмоқда.

Энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланганлик учун назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари прокуратура органлари томонидан амалга оширилиши қонуний мустаҳкамланмоқда.

Соҳада давлат назоратини тўлиқ таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг

олдини олиш мақсадида Ўзэнерготи инспекция томонидан берилган ёзма кўрсатма ва тақдимномаларни бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлиқни кўриб чиқиш ваколати судларга берилиши муҳокама марказида бўлди.

Шунингдек, сенаторлар электр энергияси ва газдан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслик ҳолатларини тезкорлик билан бартараф этиш масалаларига оид ваколатлар судлардан Ўзэнерготи инспекция ва унинг ҳудудий бошқармаларига ўтказилаётганлиги алоҳида эътибор қаратишди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан бирга, ялпи мажлисда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлари бажарилиши ҳолати ҳақидаги ахбороти эшитилди.

Муҳокама жараёнида сенаторлар давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг саъй-ҳаракатлари туфайли 2022 йилда Ўзбекистон халқаро рейтинг ва индексларида, жумладан, қонун устуворлиги, ҳуқуқат фаолияти самардорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш йўналишларида ўз ўрнини яхшилаш борасида салмоқли ютуқларга эришганини алоҳида таъкидлади.

Янги қабул қилинган Меҳнат кодексига меҳнат муносабатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқ ҳуқуқий тартибга солиш асослари тақомиллаштирилди.

БМТ тузилмаларининг тавсияларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унда мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қув-

ватлаш механизмларини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар изчиллиги, тақомиллаштириш йўналишлари белгилаб олинди.

2022 йилда пахтадан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва савдоси билан шуғулланувчи компанияларни бирлаштирувчи "Cotton Campaign" коалицияси Ўзбекистонда мажбурий ва болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилганини эътироф этди ҳамда ўзбек пахта тасиғига қўйилган тақиқни бекор қилди.

Ўзбекистон Республикасининг миллий қонуничилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқлаштириш чора-тадбирлари доирасида Халқаро меҳнат ташкилотининг "Қурилишда хавфсизлик ва меҳнат гигиенаси тўғрисида"ги 167-сонли конвенцияси ратификация қилинди.

Шу билан бирга, сенаторлар ўз ўрганишлари асосида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни самарали қўллаш билан боғлиқ қатор муаммоларни белгилаб берди.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш юзасида "Йул харитаси"да белгиланган 8 та қонун лойиҳаси ўз муддатига ишлаб чиқилмаётгани сенаторларни ташвишга солди.

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқла-

ри тўғрисидаги конвенцияси ижросини мониторинг қилиш натижасида сенаторлар томонидан ижтимоий инфратузилма объектлари ноғиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун етарли даражада мослаштирилмаганлиги аниқланди.

Ҳар томонлама муҳокама чоғида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилиниб, унда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларининг сўзсиз бажарилиши таъминлаш мақсадида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда иш олиб бориш белгилаб олинди.

Олий Мажлис Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 12 та масала, шу жумладан, 9 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлиси якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ — ЁШЛАР НИГОҲИДА



Ийгиликда қайд этилгандай, Конституциявий қонун лойиҳаси билан илк мартабда узлуқсиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожини таъминлаш давлатнинг вазифалари қаторидан жой олмоқда.

Мазкур қоидаларнинг Конституция даражасида белгиланиши, болалар боғчасидан тортиб, университетларгача — барча таълим ташкилотларини улар давлатники ёки хусусий эканлигидан қатъи назар, ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин бўлади.

Тадбирда сўз олганлар айтиб ўтганидек, илк мартабда боғча ёшидаги болаларнинг таълим ва тарбияси борасидаги давлат мажбуриятларининг конституциявий даражада белгиланиши муҳим воқеа сифатида баҳоланиши қўйилмоқда. Бола учун оиладан кейинги биринчи жамоа — бу боғча. Мактабгача таълим сифатли бўлиши инсоннинг бутун ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади.

Конституциявий қонунга мувофиқ олий таълим ташкилотлари академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи берилмоқда. Олий таълим тизими билан боғлиқ масалаларнинг Конституция даражасида белгиланиши олий таълим жараёнига таъсири алоҳида баҳолаш зарур. Шунингдек, таълим сифати ва дунёда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Таъкидланганидек, болаларнинг маъна, жисмонан ва ижодий томондан қамол топишида нафақат оиладаги муҳит яхши бўлиши, балки давлат томонидан зарур шарт-шароит, имконият ҳам яратиб берилиши зарур. Шу маънода, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмонан, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг бурчи сифатида Конституцияда муҳрланмоқда.

Алоҳида қайд этилганидек, давлат эндиликда нафақат умумий ўрта таълим, балки бошланғич профессионал таълим олиш ҳам бепул бўлишини кафолатлайди. Энг муҳим янгиликлардан бири, бу — алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ташкил этилади. Бу норма шундай ҳуқуқларга эга болаларнинг яққаланиб қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли аъзоли сифатида шаклланиши ва қамол топиши учун жуда муҳимдир.

Савол-жавобларга бой бўлган ийгиликда қайд этилганидек, янгиланган Конституцияда алоҳида модда ёшлар ҳуқуқларига бағишланмоқда. Унга кўра, давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради.

Янгиланган Конституцияга мувофиқ, фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли эканлиги аниқ белгилаб қўйилмоқда. 2017 йилга қадар олий таълим муассасаларида грант ўринлари сони фақат қисқариб келди. Сўнгги беш йил ичида аксинча, грантларни кўпайтириш йўлидан борилди. Хусусан, ўтган даврда олий таълимга ажратилган давлат грантлари сони 75 фоизга ҳамда эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони икки бараварга оширилди. Шунингдек, нодавлат олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашга давлат гранти ажратилиши амалиётини йўлга қўйди. Мазкур конституциявий қондининг белгила-ниши бу борадаги ижобий йўналиш доимо сақланиб қолиниши, давлат олий таълим муассасаларида грант ўринлари йўқоқмаслигини таъминлашга хизмат қилади.

Давлат ёшларнинг маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши, уларнинг таълим олишга, соғлигини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлаштиришга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши.

Ийгиликда сўз олган йигит-қизлар янгиланган Конституциянинг ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор нормаларини ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда уни "Ёшлар Конституцияси", дея эътироф этишга ҳам барча асослар борлигини алоҳида урғулади.

Тадбирда Конституциявий қонун лойиҳасида ёшларга оид янги нормалар белгила-наётгани келажакдаги эгалари томонидан кўтаринки руҳда қарши олиниб, улар томонидан лойиҳа қўллаб-қувватланди.

лантиришга ўз ҳиссамизни қўшишга тайёрмиз.

Сандра ЖОФРУА, "Toulouse III — Paul Sabatier" университетини проректори:

— Бугунги тадбирда буюқ астроном, ўзбек олимидан иштирок этганимдан жуда хурсандман. Бу икки мамлакат алоқаларининг раамзий белгиси бўлиб хизмат қилади. Университетимиз Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, 2022 йил июнь ойида Ўзбекистон Миллий гвардияси Жамоат хавфсизлиги университети ва "Toulouse III — Paul Sabatier" университети ўртасида Англашув меморандуми имзоланди. Келажакда ушбу икки таълим даргоҳи ўртасида талабалар алмашувини йўлга қўйиш ниятидамыз.

Алис МОКАРИТОЛО, "Toulouse III — Paul Sabatier" университетини масъул ходими:

— Бугун Францияда "Ўзбек боғи" ҳамда буюқ астроном Мирзо Улуғбек ҳайкалининг очилишини эйтишиб жуда хурсанд бўлдим. Бу Ўзбекистон — Франция муносабатларида катта воқеа ҳисобланиши баробарида икки томонлама ҳамкорликнинг раванакига салмоқли туртки бериши шубҳасиз.

«Халқ сўзи».

«Халқ сўзи».

МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлиси иккинчи кунда ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга янгича суръат бериши қўллаб-қувватлаш мақсадида муҳокама қилинди. Уларнинг ҳар бири бугунги кунда ниҳоятда долзарб эканлиги боис сенаторларнинг қизғин баҳс-мунозараларига сабаб бўлди. Бу масалалардан айримларининг мазмун-моҳияти ва бугунги кундаги аҳамияти ҳақида парламент юқори палатаси аъзолари куйидагича фикр билдирди.

Муносабат

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлар қандай бажариляпти?

Равшанбек АЛИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси:

— Сир эмас, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган очиллик сиёсати туфайли Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрўси тобора юксалиб бормоқда. Хорижий экспертлар ва халқаро тузилмалар вакиллари эътирофи ҳам шундан далолат бериб турибди. Буни юртимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларнинг изчиллик билан бажариб келинаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ялпи мажлис давомида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг юртимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлар бажарилиши ҳолати юзасидан қилган ахборотида ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатлар алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари саъй-ҳаракатлари туфайли 2022 йилда Ўзбекистон халқаро рейтинг ва индексларида, жумладан, қонун устуворлиги,

ҳуқуқат фаолияти самардорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш йўналишларида ўз ўрнини яхшилаш имконига эга бўлди. Бу борада янги қабул қилинган Меҳнат кодексига меҳнат муносабатларини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мувофиқ ҳуқуқий тартибга солиш асослари тақомиллаштирилгани муҳим аҳамият касб этди, десак, айни ҳақиқат.

Ўз навбатида, БМТ тузилмаларининг тавсияларини инобатга олган ҳолда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унда мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар изчиллиги, тақомиллаштириш йўналишлари белгилаб олинди.

Мазкур йўналишдаги ютуқлар ҳақида гап кетганда, ўтган йилда пахтадан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва савдоси билан шуғулланувчи компанияларни бирлаштирувчи "Cotton Campaign" коалицияси томонидан юртимизда мажбурий ва болалар меҳнатига тўла барҳам берилгани эътироф этилиши ва ўзбек пахта тасиғига қўйилган тақиқнинг бекор қилиниши ҳам айтиш зарур.

Шуларга мос равишда Ўзбекистон Республикасининг миллий қонуничилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқлаштириш чора-тадбирлари доирасида Халқаро меҳнат ташкилотининг "Қурилишда хавфсизлик ва

меҳнат гигиенаси тўғрисида"ги 167-сонли конвенцияси ратификация қилинди.

Сенаторлар томонидан таъкидлаб ўтилганидек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни самарали қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам мавжуд.

Эндиликда шу сингари муаммоларни бартараф этсак, албатта, бу борадаги ютуқларимиз янада салмоқли бўлади.

Энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда

Шухрат ЧҲЛЛИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари:

— Маълумки, сўнгги йилларда энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини бартараф этиш ҳамда истеъмолчилар томонидан табиий газ ва электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Бироқ таҳлиллар энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари ҳамон давом этаётганлигини кўрсатмоқда. Биргина 2022 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик ҳолатлари бўйича 433 та жиноят иши қўзғатилгани бунга яққол мисолдир.

Бу эса энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланганлик, бу борадаги ваколатли органлар кўрсатмаларини бажармаганлик ҳолатлари учун жавобгарлик асосларини кучайтириш заруриятини вужудга келтирган эди. Шундан келиб чиқиб, ялпи мажлисда муҳокама қилинган "Энергия ресурсларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республи-

касининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқилган эди.

Бу ҳужжатга кўра энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилиб, Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда. Масалан, Жиноят кодексининг ўғриликка оид моддасига қўшимча киритилиб, унга кўра, эндиликда тижорат мақсадларида фойдаланиш билан умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асосларига, шу жумладан, уларнинг пломбарига қасддан шикаст етказиш ёки ҳисобга олиш асосларни кўрсаткичларини ўзгариштириш мақсадида уларга ташқаридадан аранлаш ш ҳада ушбу қўлимшотлар электр энергияси, газ ёки сув таъминоти ташкилотларининг мансабдор шахслари ёки ходимлари томонидан олинган тил бириктириб содир этилиши ўғрилик жинояти деб белгиланмоқда.

Жиноят-процессуал кодексига киритилаётган ўзгариш орқали энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланганлик учун назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан амалга оширилиши кўзда тутиляпти.

Қолаверса, ёқилги-энергетика соҳасида давлат назоратини тўла таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 198-модда билан тўлдирилди. Унда Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари кўрсатмаларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Шунингдек, сўз юритилаётган қонунда яна қатор янгиликлар борки, булар пировард натижада соҳанинг янада шаффоф ва адолатли бўлишига хизмат қилади.

ФРАНЦИЯНИНГ ТУЛУЗА ШАҲРИДА «ЎЗБЕК БОҒИ» ВА МИРЗО УЛУҒБЕК ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон элчиси Сардор Рустамбоев ўз нутқида Тулуза мэрияси ва Самарқанд вилояти ҳокимлигига ушбу лойиҳа амалга оширилгани муносабати билан миннатдорлик билдирди. "Ўшбу кўркем бу Ўзбекистон ва Франция ўрта-сидаги мустаҳкам алоқаларнинг белгисидир, — деди элчи. — Тулузда яратилган "Ўзбек боғи" Ўзбекистоннинг ўзига хос "таширф қозони" га айланган".

Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари Жамид Хайдаров Франциянинг Тулуза шаҳрида "Ўзбек боғи"нинг ташкил этилганлиги ўзаро дўстона алоқаларни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг яққол самараси эканлигини таъкидлади.

"Ўйлайманки, Тулуза шаҳрида очилган ушбу боғ Ўзбекистон ва Франция ҳудудлари ўртасидаги ўзаро дўстона алоқаларнинг рамзи бўлиб қолади. Шунингдек, ўзбек маданияти ва тарихини кенг тарғиб этишга хизмат қилади", деди у.

Тулуза шаҳри мэрининг ўринбосари Максим Бойё Ўзбекистон ҳукуматида "Ўзбек боғи"ни яратиш борасидаги лойиҳа учун ташаккур изхор этди. Унинг айтишича, ушбу боғ Франциянинг сўнгги йилларда омаллашиб бораётган ободонлаштириш ва кўчаларнинг янгиликларини сиёсатига тўла мос келади. Боғ ҳудудига экилган Ўзбекистоннинг ноёб кўчатлари эса мамлакат жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотишига ишонч билдирди.

"Ўзбекистон инсоният цивилизацияси раванакига, дунё илм-фани ва маърифати юксалишига катта ҳисса қўшган буюқ олимлар юрти экани билан ҳам диққатга сазовор. Ҳозирги кунда ҳам замонавий Ўзбекистоннинг дунё тараққиётида алоҳида ўрни бор", деди Максим Бойё.

Тадбирда иштирок этган меҳмонлар "Ўзбек боғи" билан яқиндан танишиб, экилган кўчатларга катта қизиқиш билдиришди. Ушбу боғ тез орада тулузаликлар ва шаҳар меҳмонларининг севимили масканларидан бирига айланишига умид билдирди.

"Ўзбекистон ҳукумати кўмағида ташкил қилинган "Ўзбек боғи"нинг очилиш маросимида иштирок этганимдан жуда хурсандман", деди Тулуза мэрининг атраф-муҳит бўйича маслаҳатчиси Клемент Рикет.

Тулуза ботаника боғи шаҳар марказидаги 3 гектар майдонда барпо этилган. Унда дунёнинг турли минтақаларидан олиб келинган ноёб кўчатлар экилган. "Ўзбек боғи" ботаника боғининг 400 кв. метр майдонига яратилди. Боғ ҳудудига Ўзбекистондан олиб келинган ноёб кўчатлар, жумладан, Туркистон чинори, Туркистон дўланаси, олчасимон олхўри, бодом, гилос ва ўрик кўчатлари экилди.

Маълумот ўрнида шунини ҳам қайд этиш жоизки, 2019 йили Франциянинг Руэй Мальмезон шаҳрида Бухоро вилояти ҳокимлиги кўмағида "Ўзбек боғи" яратилган эди. Ўзбекистон ва Франция ўртасида худуд-

лараро дипломатияни ривожлантириш доирасида Европанинг авиакосмик пойтахти — Тулуза шаҳрида жойлашган Франция фуқаролик авиацияси миллий мактаби ҳудудига буюқ астроном олим, математик ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек ҳайкали очилди.

Мирзо Улуғбекнинг бронзадан барпо этилган ҳайкали муаллифи — самарқандлик ҳайкалтарош Умурзоқ Шарипов.

Тантанали тадбирда сўзга чиққанлар буюқ аждодимиз меросини тарғиб этиш мақсадида бунёд қилинган ушбу ёдгорлик Ўзбекистон ва Франция ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 31 йиллиги доирасида ўтказилаётгани раамзий маънога эга эканлигини таъкидлар экан, Мирзо Улуғбекнинг жаҳон тамаддуни ривожланишига қўшган ҳиссаси, хусусан, астрономия соҳасидаги улкан кашфиётлари тўғрисида фикр юритдилар.

Франция фуқаролик авиацияси миллий мактаби бош директори Оливье Шансу, ўз навбатида, Мирзо Улуғбек ҳайкали учун Ўзбекистон ҳукуматида миннатдорлик билдирди. Унинг айтишича, ушбу ёдгорлик орқали қўллаб-қувватланиб талабалар авиация соҳасида ўз фахрий ҳисобларидан математика, физика, астрономия каби фанлар ривожига Мирзо Улуғбекнинг муҳим ўрни борлигини билиб олишди.

Тадбир якунида француз жамоатчилиги вакиллари ушбу лойиҳа ҳақидаги фикрларини билдирди.

Николас КАСАЛИС, Франция фуқаролик авиацияси миллий мактаби директори ўринбосари:

— Ўзбекистон томонига ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигига буюқ мутафаккир, астроном Мирзо Улуғбек ҳайкалининг Франция фуқаролик авиацияси миллий мактабига совға қилишгани учун миннатдорлик билдирмоқчиман. Бу ҳайкалининг авионавтика пойтахти Тулуза шаҳридаги миллий мактабда ўрнатилиши кенг қамровли Ўзбекистон — Франция ҳамкорлигининг раамзий белгисидир. Биз бу йўналишда ўзаро ширдикли янада ривожланишидан манфаатдоримиз.

Келажакда авиация соҳаси у-ун ўзбек малакали учувчиларини, етук мутахассисларни тайёрлашга ҳисса қўшамиз, деб ишонаман.

Жилберт САЛИНАС, Окситания Иқтисодий ривожланиш агентлиги президенти:

— Бугунги тадбирда иштирок этганимдан беҳад мамнунман. Тадбир Ўзбекистонини янада яқиндан танитишга туртки берди. Бундан ташқари кўп қўлаб ўтказиб туриш зарур, деб ҳисоблайман.

Мен Ўзбекистонни яқиндан биламан, мамлакатингизга кўп мартабда борганман. Юртингизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлардан ҳа-



бардорман ва уларни олқийлайман. Биз ўз томонимиздан таълим, иқтисодиёт ва савдо соҳаларини ривожлантириш мақсадида келажакда Ўзбекистонга сафарларни амалга ошириш ниятидамыз. Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ҳамкорликни янада ривож-

«Дунё» АА. Париж

Тадбир

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Федерация раиси, комиссия раҳбари Қудратилла Рафиқов олиб борган, жами 1 400 нафардан ортиқ мутасаддилар ва масъул ходимлар қатнашган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз ташаббуси билан амалга таъбиқ этилган нобъ тизим — “аёллар дафтари” тизимининг 4-босқичи доирасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, олинган турган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

— Жорий йил 25 январь учун ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Камбағилликни қисқартиришнинг асосий омилли, бу — аҳолини даромадли иш билан таъминлашдир” дея таъкидлаб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев барчамиз учун бош мезонни белгилаб берди, — деди Қудратилла Рафиқов. — Бундай вазифалардан келиб чиққан ҳолда бу йил хотин-қизларга амалий ёрдам қўрашатиш ҳажми ва сифатини янги даражага кўтаришимиз зарур.

2020 йилдан бери Президентимиз ташаббуси билан хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш бўйича амалга ошириб келинаётган тизимли ишлар натижасида уч йил давомида “аёллар дафтари” даги 1,5 миллиондан зиёд хотин-қизларга амалий ёрдам қўраштилди. Уларнинг моддий, уй-жой, тиббий, ҳуқуқий ва бошқа муаммоларини ечишга амалий кўмак берилди.

Маълумки, Президентимиз томонидан “аёллар дафтари” билан ишлаш тизимининг 4-босқичи доирасида манзилли амалий ёрдамлар қўраштилган эҳтиёжманд хотин-қизлар қамровини 1 млн. нафарга етказиш вазифаси қўйилган эди. Мазкур йўналишлардаги ишларни мувофиқлаштириш учун ҳар бир вилоят ва туман (шаҳар)га касаба уюшмаларидан масъуллар бириктирилиб, мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Улар жойларда жондорнамондан юриб мамлакатимизнинг 9397 та маҳалласида 7,7 миллиондан зиёд хотин-қизларнинг яшаш тарзини ўрганди.

Ўтказилган мулоқотлар асосида ижтимоий, ҳуқуқий ёки руҳий ёрдамга, таълим олиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож, 30 ёшдан юқори 1 млн. 680 нафар эҳтиёжманд хотин-қизнинг рўйхати шакл-

лантирилди ҳамда уларнинг муаммоларини бартараф этишга йўналтирилган индивидуал дастурлар ва “йўл хариталари” халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига киритилиб, сессияларда тасдиқланди.

Видеоселектор йиғилишида олинган турган асосий вазифа — “аёллар дафтари” билан ишлаш тизимининг 4-босқичини юқори савияда ўтказиш бўйича чоралар белгилаб олинди. Хусусан, дастлабки уч босқичда тўпланган тажрибадан самарали фойдаланган ҳолда “аёллар дафтари” га киритилинган 425 минг 760 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш, бунда хотин-қизларнинг домлий равишда даромад манбаига эга бўлишини таъминловчи манзилли режа ишлаб чиқиш, тасдиқланган индивидуал дастурлар асосида бажарилаётган ишлар ижроси бўйича таъсирчан назорати амалга ошириш механизмининг йўлга қўйиш, шунингдек, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 49 минг 622 нафар эҳтиёжманд хотин-қизга кредит ажратиш ва уларни тадбиркорликка жалб этиш юзасидан долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, йиғилишда “аёллар дафтари” тизимининг электрон платформасини такомиллаштириш, унинг муассасалараро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш, амалга оширилаётган жараёнларни рақамлаштириш ва бюрократик ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бошқа ижтимоий платформалар билан интеграциясини таъминлаш зарурлиги ҳам қайд этилди.

Йиғилишда давлатнинг аёллар масалалари бўйича сиёсати мубофиқ, ижтимоий ёрдамга муҳтож бирор-бир аёл амалий кўмак ва эътиборсиз қолиб кетмаслиги кераклиги, қўзланган асосий мақсад эса аёллар имкониятларини рўйбога чиқариш, мамлакат аҳолиси фаровонлигига эришиш эканлиги қайд этилди.

Қўрилган масалалар юзасидан аёллар муаммоларини тизимли ечиш ва улар бўйича республика ҳамда ҳудудий комиссиялар аъзолари, жойлардаги секторлар раҳбарлари, шунингдек, белгиланган вазифаларга масъул вазирлик ва идоралар вакиллари сўзга чиқиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари.

ҚЎШИЛМАСЛИК ҲАРАКАТИ — МУЛОҚОТ УЧУН МУҲИМ МАЙДОН



Қўшилмаслик ҳаракати харбий-сиёсий блоklar ва ташкилотларда иштирок этмаслигини ҳамда ҳамкорлигини БМТ Низомининг принцип ва мақсадлари асосида ривожлантиришни ўз таъқиби сиёсатининг асоси этиб эълон қилган Осиё, Африка, Латин Америкаси, Океания ва Европанинг 120 та иштирокчи давлатини бирлаштирган йирик халқаро тузилма ҳисобланади. Ҳозирги кунда 18 давлат, 9 халқаро ва 2 миллий озолик ташкилоти ушбу тузилмада кузатуви мақомига эга. Дунё нефть ва газ захираларининг 80 фоизи, Ер ҳудудининг учдан бир қисми ва дунё аҳолисининг 55 фоизи ҳаракатга аъзо давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Айтиш жоизки, мазкур платформа Озарбайжон ташқи сиёсати учун нисбатан янги саналади. Озарбайжон мазкур ташкилотга 2011 йил май ойида Бали (Индонезия)да бўлиб ўтган ташқи ишлар вазирларининг 16-учрашувида аъзо бўлиб кирди. Эътироф этиш керак, Озарбайжон раислиги даврида Қўшилмаслик ҳаракатининг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи кескин ошди. Ушбу муҳим платформа доирасида мамлакатларнинг кўп томонлама ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Пандемия давридаги қийинчиликларга қарамай, ўзаро бирдамлик ва ҳамжиҳатлик ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бошқа ижтимоий платформалар билан интеграциясини таъминлаш зарурлиги ҳам қайд этилди.

Йиғилишда давлатнинг аёллар масалалари бўйича сиёсати мубофиқ, ижтимоий ёрдамга муҳтож бирор-бир аёл амалий кўмак ва эътиборсиз қолиб кетмаслиги кераклиги, қўзланган асосий мақсад эса аёллар имкониятларини рўйбога чиқариш, мамлакат аҳолиси фаровонлигига эришиш эканлиги қайд этилди.

Қўрилган масалалар юзасидан аёллар муаммоларини тизимли ечиш ва улар бўйича республика ҳамда ҳудудий комиссиялар аъзолари, жойлардаги секторлар раҳбарлари, шунингдек, белгиланган вазифаларга масъул вазирлик ва идоралар вакиллари сўзга чиқиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари.

Ўзбекистоннинг бу ташкилотдаги фаоллашуви мамлакат ташқи сиёсий курсининг диверсификацияси, яъни икки ва кўп томонлама даражалардаги дипломатик фаолияти билан ҳам боғлиқ. Ўзбекистон Қўшилмаслик ҳаракатини ўз миллий манфаатларини тақдим этиш ва илгари суриш учун ҳам қўшимча платформа сифатида кўряпти. Мазкур ташкилот фаолиятида 120 давлат иштирок этаётганлигини назарда тутсақ, у БМТ Бош Ассамблеясидан кейинги иккинчи энг йирик тузилма саналади. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги айрим давлатлар билан бевосита дипломатик муносабатлари йўқлиги, баъзилари билан эса сиёсий ва иқтисодий характердаги муносабатлар минимал даражада эканлигини ҳисобга олсак, Қўшилмаслик ҳаракати мана шундай давлатлар билан ҳамкорлиқни ривожлантириш учун ўзига хос майдон вазирасини ўтайди.

асосланарди. Бу, энг аввало, НАТО ва Варшава Шартномаси, шунингдек, Бағдод пакти, СЕАТО, АНЗЮС ва бошқа тузилмаларга тааллуқли эди.

XX асрнинг иккинчи ярмида Қўшилмаслик ҳаракати халқларнинг тинчлик, қуролсизланиш, эркинлик, демократия ва ижтимоий тараққиёт учун курашида таъсирчан омиқ ролни ўйнади. Қўшилмаган мамлакатлар форумларининг қарорлари уларнинг БМТдаги вакилларининг амалий фаолиятида, БМТнинг турли органлари резолюцияларида ўзифодасини топишди. Бу Қўшилмаслик ҳаракати нуфузи ва муҳим халқаро куч ролини берди. Ташкилот айниқса, ўтган асрнинг 70-йилларида ва 80-йилларнинг биринчи ярмида халқаро миқёсда ўзининг жуда катта таъсирини кўрсатишга муваффақ бўлган. Уша кезлари тузилма томонидан илгари сурилган ташаббуслар кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашига эришган ҳолда бир неча мартаба БМТ, шунингдек, бошқа халқаро форумлар қарорлари ва резолюцияларининг асосини ташкил қилган.

БМТда қўшилмаган давлатларнинг диққатини тортган яна бир муаммо — ядро қуроли синовларининг эътиборини тўхтатиш ва тақиқлаш, бундай синовларни тўлиқ ва умумий тақиқлаш тўғрисида битим тузиш эди. Қўшилмаслик ҳаракати БМТ Бош Ассамблеяси ишида фаол ролни намояндаларди. Йирик давлатлар ўртасидаги қарама-қаршилик БМТнинг бошқа органи — Хавфсизлик Кенгашида бўлиб ўтишини ҳисобга олсак, Қўшилмаслик ҳаракати аъзо давлатлар БМТ Бош Ассамблеясида ўз фикрини билдириш ва қарорлар қабул қилиш имкониятини қўлга киритди.

1990-йилларда “совуқ уруш”нинг барҳам топиши ва Совет иттифоқининг парчаланishi натижасида мазкур ташкилотнинг асосий функцияси ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотди, деб ҳисоблаб келинди, чунки ташкилотнинг яратилишига асос бўлган ғоя бундай шароитда ўз долзарблигини йўқотганди.

Бироқ ҳаракатнинг 1992 йил сентябрь ойида Жакарта (Индонезия)да бўлиб ўтган олий даражадаги 10-форуми тарихий аҳамият касб этди — унинг яқунлари бўйича тузилмага раислик Индонезияга ўтказилди (1992 — 1995). Жакарта раислигидаги уч йил давомида ҳаракат мамлакатлари янги мезонлар ва концепцияларни ишлаб чиқишга, глобал дунёда ўзаро ҳамкорлиқнинг замонавий механизмининг яратилишига муваффақ бўлди. Айни чоғда, Қўшилмаслик ҳаракати ўз фаолиятида ядро қурулининг тарқалишига қарши курашиш, геосиёсий мувозанатни таъминлаш, БМТни ислоҳ қилиш ва Хавфсизлик Кенгашини кенгайтириш сингари масалаларга катта эътибор қаратаётди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон каби давлатларнинг ҳаракатга қўшилиши ташкилот фаолиятини кучайтиришга хизмат қилди. Бугун ҳаракат замонавий дунёнинг муаммоларини белгилаш ва муҳокама қилиш учун қўшимча платформага айланди. Фаолияти янги мақсад ва мазмун билан бойиди. Хусусан, ташкилот ривожланиётган мамлакатларнинг қолқилигини бартараф этиш ва камбағалликка барҳам бериш мақсадида барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган ташаббусларни ҳам илгари сурапти. Шу билан бирга, ҳаракат ривожланаётган мамла-

катларга молиявий ёрдам олиш, сармоя киритиш, қарзларни реструктуризация қилиш, халқаро молия институтларини ислоҳ этиш, адлатли савдо шароитларини яратиш мақсадида халқаро ташкилотлар билан, биринчи навбатда, БМТ тизимидаги тузилмалар билан ҳаракатлар мувофиқлаштирилиши кўнайтиради.

Нью-Йорк шаҳрида жойлашган, Женева, Вена, Париж, Гаага ва Найробида ўз бўлимларига эга бўлган Мувофиқлаштириш бюроси фаолияти Қўшилмаслик ҳаракати кўмаклари ва ишчи гуруҳлари ишини бошқаришнинг асосий вазифаси ҳисобланади. БМТ бош қароргоҳида ҳар ойда бўлиб ўтадиган Мувофиқлаштирувчи бюро йиғилишларида БМТнинг барча жорий фаолияти муҳокама қилинади. Қўшилмаслик ҳаракати олий форумлари қарорларини амалга ошириш йўллари ва аниқ чора-тадбирлар белгиланади.

Ўзбекистоннинг бу ташкилотдаги фаоллашуви мамлакат ташқи сиёсий курсининг диверсификацияси, яъни икки ва кўп томонлама даражалардаги дипломатик фаолияти билан ҳам боғлиқ. Ўзбекистон Қўшилмаслик ҳаракатини ўз миллий манфаатларини тақдим этиш ва илгари суриш учун ҳам қўшимча платформа сифатида кўряпти. Мазкур ташкилот фаолиятида 120 давлат иштирок этаётганлигини назарда тутсақ, у БМТ Бош Ассамблеясидан кейинги иккинчи энг йирик тузилма саналади.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги айрим давлатлар билан бевосита дипломатик муносабатлари йўқлиги, баъзилари билан эса сиёсий ва иқтисодий характердаги муносабатлар минимал даражада эканлигини ҳисобга олсак, Қўшилмаслик ҳаракати мана шундай давлатлар билан ҳамкорлиқни ривожлантириш учун ўзига хос майдон вазирасини ўтайди.

Боқуд бўлиб ўтган Қўшилмаслик ҳаракати Мулоқот гуруҳининг саммитидан илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар долзарблиги билан ажрлиб туради. Давлатимиз раҳбари, биринчидан, сўнгги йилларда инсоният пандемия, иқлим ўзгариши, тиббий офатлар, техноген фожияларнинг аянчилик оқибатларини бошидан ўтказётганини, бундай қийин ва мураккаб синовларни фақатгина биродамлик билан қўлини олиш мумкинлигини ҳисобга олиб, 2030 йилга қадар мўлжалланган Сендай ҳадли дастурининг асосий мақсадларига эришиш бўйича Глобал платформа фаолиятини ташаббуслар билан қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади. Бундай фавқуллода ҳолатлар сабабларини чуқур ўрганиш ҳамда офат оқибатларини самарали

Хуллас, давлатимиз раҳбарининг Қўшилмаслик ҳаракати саммитидаги иштироки ва унда илгари сурган тақлиф ва ташаббуслари Ўзбекистоннинг халқаро муаммоларини ҳал этиш, бугун дунёда тинчлик ва барқарор тараққиётга эришишда фаол қатнашишига, шунингдек, халқаро шериклар билан конструктив ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган тинчликсевар, очиқ ташқи сиёсат юритишга содиқлигидан далолат беради.

бартараф этиш мақсадида Қўшилмаслик ҳаракатининг махсус мониторинг ва илмий-тадқиқот тармоғини ташкил қилиши ва уни Ўзбекистонда жойлаштиришни тақлиф этди.

Иккинчидан, пандемиядан кейинги даврда геосиёсий ва мафқуравий зиддиятлар кучайиб, уларнинг таъсирида жаҳоннинг турли нуқталарида янги нотинчлик ўчоқлари пайдо бўлаётди. Бундан ташқари, Яқин Шарқ минтақаси ва Афғонистонда узоқ вақтдан буюн сақланиб қолаётган низоларнинг ечими ханузгача топилгани йўқ. Боз устига, барча давлатларда ўсиб бораётган терроризм ва экстремизмининг ҳаф-ҳатарида қарши ташкилот доирасида амалий алоқаларни кучайтириш тобора долзарб тус олаётди. Ана шундай таҳликали вазиятда Ўзбекистон Президентини Қўшилмаслик ҳаракатини терроризмининг ҳар қандай қўришига қарши курашининг халқаро-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича умумий интилишларга етакчилик қилишга чақирди.

Учинчидан, Президентимиз афғон масаласи бўйича БМТ ҳузурида Халқаро музокаралар гуруҳини тузишга доир тақлифни илгари сурди ва иштирокчиларни Ўзбекистон тақлифини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Тўртинчидан, дунё миқёсидаги тарафлиқ ҳақон савдо алоқалари заифлашуви, саноат ва логистика заنجирлари узилишига сабаб бўлган Осиё-оқват маҳсулотлари, сув ва энергетика ресурсларининг тобора тақчил бўлиб бораётганини айтмасам ҳам бўлади. Шунинг учун ўзаро амалий ҳамкорлиқни ривожлантириш, қўша дастурлар ва йирик лойиҳаларни илгари суриш учун ташкилот саммитлари арафасида Қўшилмаслик ҳаракати Иқтисодий форумини мунтазам ўтказиб бориш тақлиф этилди.

Бешинчидан, Қўшилмаслик ҳаракати Ёшлар тармоғининг “Чексиз имкониятлар саммити”ни келгуси йил жаҳон цивилизациясини марказларидан бири бўлган қўрча Самарқандда ташкил этиш тақлифи илгари сурилди. Бу беҳиз эмас. Зеро, пандемия ёшларнинг сифатли таълим ва профессионал билим олиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш ва спорт билан шуғулланиш имкониятларини кескин қамайтирди, минглаб ёшларнинг онгу тамаққурига бўғунчи ва радиокал мафқуралар таъсирининг ошиши кузатилмоқда. Бундай шароитда ёшлар таълими ва тарбияси долзарб масалага айланган, шубҳасиз. Демакки, ёшларга оид анжуманлар бу борадаги режаларни уйғунлаштириш, тўпланган тажрибалар билан ўртоқлашишга имкон беради.

Муҳиддин КАЛОНОВ, Тошкент давлат иқтисодий университетини проректори, иқтисодий фанлари доктори, профессор.

Фестиваль



ОНАЛАР ДОИМ ЭЪЗОЗДА

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан март ойининг биринчи ўн кунлигида Сирдарё вилоятида “Оналарга эҳтиром” фестивали бўлиб ўтади.

Илк бор ўтказилаётган ушбу фестивал дастури — ранг-баранг. Жумладан, унда “Тўмарис издошлари” курик-танлови, “Заковат” интеллектуал ўйини, турли спорт мусобақалари, оқила ва олимпиада аёллар учрашувлари ўрин олган.

— Аёл — бу, аввало, она. Шундай экан, ҳар бир онасининг ўз бахтини биринчи галда оилада кўради, — дейди Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Наргиза Тожиева. — Ушбу тадбирдан қўзланган мақсад мукҳтар оналаримизга янада кўпроқ эҳтиром кўрсатиш ҳамда уларни эъзозлаш ва улуғлашдан иборат. Бу

орқали ёш авлادلнинг онгиде оилавий аънавларимизга ҳурмат, фарзандлик бурчини адо этиш каби фазилатларни янада мустаҳкамлашдир. Эътиборлики, фестиваль доираси янада кенг. Яъни у турфа тадбирлардан ташқари меҳнат жамоалари, таълим масканлари, маҳаллалар ва жондорларга кириб бориши кўзда тутилган.

Маълум қилинишича, фестивалнинг вилоят босқичи омашвий шодиена сифатида ташкиллаштирилди ва голибларга турли номнациялар бўйича мукофотлар топширилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

ҲАРБИЙ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

Нозик хилқат вакилларининг давлат ва жамият қурилиши ҳамда бошқарувида иштирокини кучайтириш, ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилгани сабабли бугунги кунда мамлакатимиз бошқаруш тизимида аёлларнинг улуши ошиб бормоқда. Юртимиз бўйича бир ярим мингга яқин хотин-қизлар турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Айниқса, ҳарбийлар орасида қўллаб-қувватланган фаолият олиб бораётгани уларнинг матонати ва шижоатидан дарак беради.

Тадбирда сўз олган депутатлар 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан харбий хизматчи аёлларни табриқлаб, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим олишига шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш, муноси ва мўътабар она-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда хотин-қизларга қаратаётган юксак эътибор туфайли улар бугунги кунда жамият ҳаётининг барча жаҳасида фаоллик кўрсатиб, Ватан тараққиётига ўзларининг муносиб

хиссаларини қўшаётгани эътироф этилди. Уларнинг эркаклар билан елкама-елка олиб бораётган меҳнатлари ва юқори баҳо берилиб, юртимиз тинчлиги ва оқоштанлигини сақлашда аёлларнинг ўз ўрни борлиги айтаётгани.

Ўз навбатида, харбий хизматчи аёллар ушбу тадбир юқори кайфиятда ўтганини айтаиб, бу уларнинг келгуси фаолиятида ижобий таъсир кўрсатишини билдирдилар.

Тадбир доирасида улар Қонунчилик палатасининг музейи ва кутубхонаси фаолияти билан ҳам танишди.

«Халқ сўзи».

ХИТОЙ КОМПАНИЯСИ БУХОРОДА ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ҚУРИШИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Хитойнинг “China Gezhouba Group Overseas Investment Company LTD” компанияси 400 миллион АҚШ доллари миқдориде тўғридан-тўғри сармоя жалб этган ҳолда Бухорода фотоэлектр станцияси қуриш ниятида.

Инфратузилма

Шу мақсадда ушбу компаниянинг масъуларидан бири жано Чан Бухоро вилояти ҳокими Б. Зарипов ҳузурда бўлиб, мазкур лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олди.

Маълум бўлишича, фотоэлектр станциясини бунёд этиш икки босқичда бажарилади. Дастлабки жорий йил охирига қадар кейинги босқич эса 2024 йилнинг ўрталарига бориб амалга ошади. Бошқача айтганда, аввал 200 МВтли, кейин эса 300 МВтли станция барпо этилади.

Ўз навбатида, вилоят ҳокими қайта тикланувчи энергия манбаларининг аҳамиятига тўхталиб, инвесторларга яратилган қулайликлар ҳақида сўзлаб берди. Компания вакиллари бундан бир муддат аввал Бухорода бўлиб, лойиҳани амалга ошириш учун Қоровулбозор туманини маъқул деб топишган эди.

Эътиборлики, вилоятдаги электр энергияси тақчиллигини бартараф этиш ишига ҳисса қўшиш истагидеги хорийлик қорхоналар сафи кенгаймоқда. Чунончи, Туркиянинг “Akgun” ком-

панияси вакиллари ҳам Бухоро вилояти ҳокими билан учрашиб, ўз тақлифларини ўртага ташлади. Улар илгари сураётган ғоя ўзига хос. Ушбу компания ер қазирдан чиқадиган иссиқ сувдан электр энергияси ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи.

Юқорида тилга олинган ҳар иккала лойиҳа амалга осса, вилоятда электр энергия тақчиллиги юмшаши шубҳасиз. Айтмоқчи, мамлакатимиз Президенти яқинда Бухорода бўлганида жорий йилда вилоятнинг электр энергияси истеъмоли 4,3 миллиард киловатт-соатни, тақчиллик 150 миллион киловаттти ташкил этишини таъкидлаб, шунининг олган ҳолда мутасаддиларга тақчиллигини қоплаш юзасидан тегишли топшириқлар берган эди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Фикр

ҲУДУД РИВОЖИГА КУЧЛИ ИМПУЛЬС БЕРАДИГАН ЛОЙИҲАЛАР

Яқинда давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятида бўлиб, ҳудудлардаги ўзгаришлар билан яқиндан танишиш, аҳоли билан дилдан суҳбатлашиб, истиқболдаги режаларни белгилаб берди. Ташрифни катта қизиқиш билан кузатиш асосида яна бир бор амин бўлдимки, катта ҳаётга кириб келаётган ёшлар тақдирини, таълим сифатини, навқирон авлоднинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тарбиялаш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборидаги масалалардан.

Хусусан, Президентимиз ўз ташрифини Қарши туманидаги Янги Баттош маҳалласидан бошлагани ҳам давлатимиз, халқимиз ўз фарзандларининг бахти ва қамолли учун ҳеч нарсани аямаслигининг ифодасидир десак, хато бўлмайдим.

Гап шундаки, Янги Баттош 2021 йилда ташкил топган маҳалла бўлгани боис бу ерда мактаб йўқ эди. 500 дан ортиқ ўғил-қизлар 10 километр масофадаги таълим муассасасига қатнариди. Яқинда эса бу ерда янги мактаб қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилгани ҳудуд аҳолиси учун чинакам воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари маҳаллага ташриф чоғида ушбу мактабда бўлиб, таълимни янги босқичга олиб чиқиш масаласига тўхтади, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган аниқ вазифаларни белгилаб берди. Айни чоғда ёшларнинг билим ва тараққиёт чўққилларини эгаллаб, ўз амалий ишлари ва ғайрат-шижоати билан Ватанимизга муносиб, садокатли фарзандлар бўлишига ишонч билдирди.

Аёнки, аҳолининг турмуш даражаси ички бозордаги маҳсулотлар ва нарх-навода ҳам намён бўлади. Президентимиз Қарши шаҳрида кўп қаватли савдо мажмуасига ташриф буюриб, озиқ-овқат ва машиини техника дўконларини кириб кўрди. Маҳсулотларнинг сифати ҳамда нархларига эътибор қаратди. Уларнинг аксарияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётганини

юқори баҳолади. Харидорлар билан кеч-кен самимий суҳбатда давлатимиз раҳбари озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ва жиҳатлар хусусида уларнинг фикрлари билан қизиқди.

Давлатимиз раҳбари вилоят фаоллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда асосий масалалардан бири сифатида воқеада саноатни ривожлантириш, тадбиркорлик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш бўйича сўз юритиб, бу б

МИЛЛАТНИНГ ҲАЁТ САРЧАШМАСИ

1989 йил 21 октябрда алоҳида қонун билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши маънавий-маърифий ҳаётимизда улкан тарихий воқеалик бўлди. Ва албатта, истиқлол йилларида давлат тилини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Унинг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан янада мустақамланди.

Кейинги олти йилда эса юртимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ислохотлар натижасида ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи янада ошиб, ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ва мақоми янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мувофиқ, 21 октябр санаси юртимизда "Ўзбек тили байрами куни" деб белгиланиши она тилимизнинг халқимиз ихтимой ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуг аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлашда янги даврни бошлаб бериши.

Фармонга мувофиқ, она тилимизнинг истиқболдаги тараққиётига оид кўплаб масалалар ўз ечимини топмоқда. Давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

Тил — ҳар бир миллатнинг энг қадрли бойлиги, унинг маънавий қиёфаси, маданияти, ички дунёсини акс эттирувчи муҳим воситадир. Шу боис тил сўбатининг энг қуйи бўғинларга етиб боришини таъминлаш мақсадидида вазирлик, идора ҳамда ҳўжалик бirlашмаларида маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асос этилишини таъминлаш масалалари бўйича раҳбар ўринбосарига тенглаштирилган маслаҳатчи лавозими жорий этилди.

Дунё халқлари ва миллатларининг маданый ўзаги ва асосий мулоқот манбаи бу уларнинг миллий тили ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир тилнинг сақланиши ҳамда ёш авлодга етказилиши, халқ тараққиёти ва унинг келажигини белгилайди. Биргина тил кўплаб халқларни ўзаро бirlаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъана ва маданиятларини сақлайди, уларнинг авлоддан-авлодга ўтишини таъминлайди.

Ҳар бир инсон учун Ватани, ота-онаси, оиласи қанчалик муқаддас бўлса, она тили ҳам шунчалик азиздир. Хатто гўдак ҳам дунёни она алласи, она тили орқали англайди. Шунинг учун доим тил, миллат, Ватан тушунчалари ёнма-ён юради. Тилсиз жамият ривожланмайди, тараққий топмайди. Она тили миллат руҳи, ор-номуси ҳисобланади.

Аммо шу ўринда ҳақли савол туғилади. Биз тил қадрига етпаёмизми? Афсуски, ҳар доим эмас. Барчамиз ҳам кўчаларда дўконлар, супермаркетлар, турли хил устакхона шохобчалари, гўзаллик салонлари, омонўпар бинолар, боғчаларга қўйилган номлар ўзбек тили эмас, балки бошқа хориж тилларида ёзилганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Нақадар ачинарли ҳолат бўлишига қарамай, биз бунга қўниқиб яшаб келмоқдамиз. Ахир биз Ўзбекистонда яшаймиз-ку, нима учун бу борада ўзбекча сўзлардан фойдаланмаслигимиз керак?!

Ажнабий тилдаги номларнинг ёмғирдан кейинги қўзқориндек бодраб кетишига ким айбдор — уларни назорат қилишга масъул давлат идораларини ёки ўзимиз?

Кейинги пайтларда юртимизда омонўпар бинолар қурилиши кўпайиб, шаҳарларимиз янада чирой очмоқда. Бундан ҳар қанча фахр этсак, арзийди. Бирок янги ишоотлар мажмуасига берилаётган номларнинг ақсарияти кўнгилни хира қилади. Бу номларнинг кўпи ё инглизча ёки ўзбекча бўлса-да, ёнига "сити" бирикмаси қўшилган. Таажубга тушамизки, шунини "шаҳарча" деб аташак, қурилган иморатимизнинг обрўси тушиб қоладими?! Ёки бу бинолар чет элликлар учунми? Барибир улар Ўзбекистонда жойлашган-ку!

Она тилимизнинг жаҳондаги нуфузини ошириш борасида қилинаётган машаққатли меҳнатлар боис АКШ, Буюк Британия, Германия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Туркия ва шу каби қатор давлатларнинг 60 га яқин университетлари ва 100 дан зиёда мактабларида ўзбек тили ўрганилмоқда. Баъ-



зи тадбиркорларимиз эса ш а ҳ а р у кўчаларимизда и з н и ажнабий тилдаги сўз ва ибораларга тўлдириб ташлаб, қилинаётган ишларни ҳ а в о г а совирушига кўмаклашаётгандек. Ахир юртимизга келган хорижликларнинг кўзи улارга тушиб, бизнинг маданиятимиз, миллий гуруримиз, қадриятларимизга ўзларича баҳо беради. Яъни халқимизга нисбатан ҳурмати сўниши мумкин.

Қолаверса, улгайиб келаётган ёш авлод тилга муносабатини кўча-кўйдан ўрганади. Уларда она тилини менсимаслик, оиладан, қадриятлардан, азалий илдизлардан узоқлашиш рўй беради.

Таассуфки, бугунги кунда жондан азиз фарзанднинг таълим хориж тилида олиб бориладиган мактабларда таҳсил олишини истаётганлар кўпайиб бормоқда. Тўғри, бугун чет тилларини пухта билган киши турли жаҳаларда имкониятлари янада ошиб, келажигини ёрқин тасаввур эта олади. Эзгу мақсадлар йўлидаги бу уринишлар балки маълум маънода ўзини оқлар, аммо ўзга тилни пухта ўрганаётган мурғак қалбга ўзлик туйғусини, миллий руҳни сингдириш масаласи чала қолаётгани дилни хира қилади. Бундай ёшлар аксар ҳолларда турли ҳў ҳаваслар билан Ватанимиздан чиқиб кетаётгани, тўғри йўлдан адашаётгани ҳам бор гап. Зеро, ўз она тилини ҳурмат қилмайдиган киши ота-онага эҳтиром, эл-юртга садоқат, ватанпарварлик қўрсатиши амримаҳол. Шу боис она тилига муҳаббат уйғотишда оиланинг ўрни кебиёс. Маърифатпарвар аллома ва ўз даврида ўнга яқин дунёвий тилларни пухта ўрганган олим Исҳоқхон Ибратнинг қуйидаги сўзлари айна масалада гоҳир ибратли: "Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилни билиши учун саяёҳаракат қилсинлар, лекин, аввало, ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром қўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат бу ватанин ишдир".

Ана шу ҳикматдан келиб чиқиб, бугун мамлакатимизда ўзбек тилини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида "Миллий ўзлгимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор яна-



да кучайтирилади", дея таъкидлаши бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Таълим муассасаларида ёшларга давлат тилини ўқитишни сифат жиҳатдан янада яхшилаш масаласига урғу берилляпти. Бу борада замонавий усул ва усулбар, инновацион технологиялар ҳаётга жорий қилинмоқда.

Миллий гуруримиз тимсоли бўлган она тилимизни ёш авлод учун қалбига сингдиришга нафақат биз, зиёлилар, шу билан бирга, халқимизнинг барча қатлами ўзини бирдек дахлдор ҳис қилиши керак. Зотан, биз маърифатли жамият қураётган эканми, унинг тақ заминин, пойдеворини асрлар қаърига сингса, азалий қадриятларга таянса, у янада мустаҳкам ҳамда барқарор бўлиши, шубҳасиз.

Зулфия ПўЛАТОВА,
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Бизнес-инглиз тили кафедраси доценти вази фасини бажарувчи, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).



Алишер Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида пайгамбарларнинг Миср давлати билан боғлиқ сафарлари, таассуротлари диққат қаратган. Асарда Иброҳим алайҳиссаломнинг Мисрда ҳўкронлик қилиши, Зулайхо билан сарғушашлари баёниди билан боғлиқ шундай қисқа тасвир берилган: "Иброҳим алайҳиссаломни Бобил шаҳридин ихрож қилдурди. Иброҳим алайҳиссалом Сора билани амуродаси ва жуфти эрди, Мисрда борди. Сибон биини Аълвонки Миср подшоҳи эрди".

ДАҲО ШОИР АСАРЛАРИДА МИСР ТАСВИРИ

Қадимги цивилизация марказларидан бири ҳисобланган Миср давлати номи Алишер Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" ва "Тарихи анбиё ва ҳукамо" каби дурдона асарларида тилга олинади. Бу қадимий диёрда яшаб ўтган пайгамбарлар ва шайхлар тасвири бизга Мисрнинг ислом маърифати мақазларидан бири ҳамда даҳо шoir ижодига фалсафий сарчашма бўлганидан хабардор қилади.

Тадқиқ

Асарда Миср Азизи лақаби билан машҳур бўлган Юсуф пайгамбар ҳақидаги лавҳада ҳам ушбу тарихий географик топонимга мурожаат қилинган: "Ушбу йил Юсуф алайҳиссалом Миср азизи бўлди". Хатто улуг мутафаккир китобда Юсуф пайгамбарнинг Мисрда ҳўкронлик қилиши, Зулайхо билан сарғушашлари баёниди қайта-қайта шўбу кўна диёр тарихи, табиати, географияси билан боғлиқ маълумотларга дўч келамиз.

Урганишимизга кўра, "Насойим ул-муҳаббат" да Мисрий лақаби билан шўхрат топган шайх, яъни шайх Зуннун Мисрий

номи ҳам учрайди. Ҳазрат Навоий унга тазкирада 770 нафар шайх қаторида алоҳида фикра бағишлаган ва фикрада шайхнинг Мисрнинг Ихтим деган мавзеидан эканлигига урғу берад экан, уни "Вақтнинг имоми ва рўзгорининг яғонаси ва бу тоифанинг бошидур ва бачанининг нисбати ва изофати ангадур" деб эътироф этган.

Яна қизиги шундаки, "Насойим ул-муҳаббат" да Имом Аҳмад Ханбал, Абу Хусайн Нурий, Абу Абдуллох Небожий, Юсуф биини Хусайн Розий каби шайхларга бағишланган алоҳида фикраларда ҳам Миср атамаси Зуннун Мисрийнинг шарафли номи билан боғлаб тилга олинган. Масалан, Хусайн

Розий унинг шоғирди эканлигини Алишер Навоий "Зуннун Мисрий шоғирдидур" деб айтиб ўтган. Ёки Исрофил Мағрибий Зуннун Мисрийнинг устози бўлганини, шайхнинг Мисрда пешво эканлигини таъкидлаб кўрсатади: "... ул Зуннуннинг пирларидандур. Мағрибдин эрди ва Мисрда пешво эрди. Зўдурав таваққулу муомалатада яхши шўхлар бор". Алоҳида таъкидлаш зарурки, "Насойим ул-муҳаббат" да тилга олинган Миср тарихий-географик топоними деярли Зуннун Мисрий номи, фаоляти, мақомати, қаромати, яхши сўзлари шоғирдлари ва қабри билан боғлиқ тасвирларда учрайди.

Қисқача айтганда, кўплаб машҳур адиб, шoir, тарихчи, фақўхлар ватани — Миср азалдан дунё цивилизацияси, илм-фан марказларидан бири бўлиб келган ва илм аҳли унга қараб интилган. Буюк бобомиз Алишер Навоий ўзининг "Насойим ул-муҳаббат" ва "Тарихи анбиё ва ҳукамо" каби китобларида Миср ҳамда бу кўна диёрда яшаган улуг зотлар ҳақида маълумотлар бергани маданый, диний-маърифий, илмий алоқалар азалдан Ўзбекистон ва Миср халқларини ўзаро боғлаб, дўстлик кўприғи бўлиб келганини намён ётади.

Буробой РАЖАБОВА,
ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институтини етакчи илмий ходими, филология фанлари номзоди.

ЖАДИДЛАР ХИЗМАТИ ВА УЛАРГА ИЗДОШЛИК

Мамлакатимизда жадид ота-боболаримизнинг юртни истиқлол сари бошлаш, халқни маърифатли қилиш йўлидаги фидойилигини, илмий, адабий меросини кенг тарғиб этиш, уларда илгари сурилган гоғларни ёшлар шуурига сингдиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Кейинги йилларда миллий уйғониш ҳаракатининг йирик намояндаси Исҳоқхон Ибрат хотира мажмуаси ва

ижод мактабининг барпо этилиши, буюк ёзувчи Абдулла Қодирий ижод мактабининг очилиши, жадидчилик ҳаракатининг том маънодаги раҳнамолари — Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхоннинг "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланиши маънавий ҳаётимиздаги улуг воқеалардан бўлди.

Тахлил

Давр юклаган улуг вазифа

Бинобарин, ўзбек адабиёти кейинги 500 — 550 йил мобайнида чинакамига икки туб бурилишни бошидан кеңиди. Биринчиси, Алишер Навоий ва Мирзо Бобур дари ўзбек (туркий) адабиёти билан боғлиқ бўлса, иккинчиси, ҳеч шубҳасиз, жадидлар даври адабиётидир. Бу ҳақда кўпроқ билиш учун жадидчилик фаоляти ёритилган асарлар билан танишиш кирок. Эҳтимол, Бехбудий, Ҳамза, Фитрат, Қодирий ва Чўлпонга насиб қилган истеъдод кўчи Алишер Навоий ва Мирзо Бобур даҳоси билан бўйлаша олмас, лекин уларнинг миллатнинг баъдий тафаккур бўлиб амалга оширган ишлари буюк салефлар хизматидан асло ҳам эмас.

Жадид боболаримиз ўз зиммаларига давр юклаган улуг вазифани жуذا юксак даражада адо этган. Бехбудий мафкурада, Ҳамза драмада, Фитрат илмда, Қодирий насрда, Чўлпон эса шеърда ана шу миссияни бекамлу кўст бажарган. Айна пайтда, уларнинг ҳар бири бошқасига ёрдам берган, яъни аксарии барча жанрда қалам тебратган, асосчининг хизмати енгиллатган. Зеро, бугун замонавий ўзбек адабиёти айна кейинги янгилиниш йўлидан — жадидлар бошлаб берган кўтулғу йўлдан ривожланиб бораётганлигининг ўзиёқ адабиётимизда ўз берган кейинги туб бурилишининг нақадар аҳамиятли эканини исботлайди.

XX ва XXI аср мобайнида адабиётимизнинг деярли барча соҳасида юз берган асосий ўзгаришлар, янгилинишлар ана шу иккинчи туб бурилиш майдонидида содир бўлди ва бўлмоқда, десак, айна ҳақиқат. Чўки туб бурилиш бўлиши учун истакнинг ва ҳатто истеъдоднинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун даврнинг қўйида улкан янгилиниш эҳтиёжи туғилиши керак. Бугун қулгоғимизда: "Мен шеърятини янгиладим!", "Мен насрга оҳорли тўн кийгиздим!", "Мен драматургиани ёки илмни тубдан ўзгартдим!" дегандек шўхлар тез-тез чалиниб туради. Лекин бунинг бошли адабиётни ёки у ҳақидаги илмни янгилаш биргина эгоистик истак билан амалга олиб қолашмайди. Зеро, бунинг учун ёзувчи ва олимни кўрашган атроф-муҳит илдиз-илдизда эврилишга учраган бўлиши шарт. Шундагина унинг дунёқарашида инқилобий ўзгаришлар содир бўлади, бу эса битикларни янгилайди.

«Жамият табиқ»лари

Демак, жадидлардан кейинги ўзгаришларнинг барчаси, назаримизда, иккинчи туб бурилишнинг катта-кичик тўқунларидир. Зеро, Бехбудий, Ҳамза, Фитрат, Қодирий, Чўлпон ана шундай ўзгаришларга жуذا катта эҳтиёж туғилган пайтда дунёга келди. Яъни уларнинг сиймоларида истеъдод кўчи билан давр талаблари бир-бирига тенг келиб қолган. Аслида ҳам улуглар ана шундай бўрилиш нукталарида тарих саҳнасига чиқди. Буни эса қисмат, пешона ёзиғи дейдилар. Ижодкорлик қисмати, ижодкор пешона ёзиғи... Гарчанд жадид боболаримизнинг шайхий қисматлари фожалии яқун топган эса-да, (биронтаси ўз аҳали билан ўлмасан, аксинча, янги ўзбек адабиёти йўлбошчаларининг ҳаммаси айна ижодининг гулган вақтида қатагон қилинган!) номлари зикр этилган улуглар ижодкор сифатида чиндан-да бахтли эди. Шу маънода, уларга фақат ва фақат ҳавас қилиш мумкин.

Тил — миллат

ор-номуси, шарафи

Эътибор берсак, жадидларнинг ақсарига қомусийлик хос. Бехбудий, Фитрат, Ҳамза, Авлоний, Қодирий, Чўлпон... буларнинг деярли ҳаммаси бир неча тилни билган, адабиётнинг деярли ҳамма йўналишида истеъдод билан қалам тебратган, таржимачилик билан шуғуллинишган. Сиёсат, жамоат ишларида ҳам фаол бўлишган. Чўнони, Фитрат XX аср ўзбек адабиёти, фани, маданияти ва жадидчилик ҳаракатининг улкан намояндаси бўлиб, қомусий билимга эга, ўз фаоляти билан миллат тафаккурида азим эврилишлар ясай олган мултоз сиймо. Шунингдек, у янги ўзбек адабиёти асосчиси билан бири, улуг назарийчи, буюк тилшунос, ёрқин драматург, оташин шoir, жанговар публицист, ўткир журналист, моҳир санъатшунос, истеъдодли тарихчи, файласуф, давлат ва жамоат арбоби ҳамдир.

"Қомусийлиги жиҳатидан Фитрат Беруний, Нишче, Дидро типидидаги олимлар қаторида туради", деб ёзади академик Б. Назаров ва Фитратнинг ислом тарихи, тарих, фалсафа, иқтисодиёт назарияси, сиёсат, муслиқшунослик, спорт маданияти, мелiorация, география, педагогика, маориф, математика, механика, оптика, табиёт, тилшунослик, адабиётшунослик соҳаларида улғиб борган изланишлари тўғрисида сўз оралади.

Маҳмудхўжа Бехбудий тўрт тилни билиш масаласини қўйган: туркий, форсий, арабий ва русий. Бугун ўзгариб бораётган дунё талабларидан келиб чиқиб, бу тиллар ёнига инглиз, хитой ва бошқа тилларни қўшиш мумкин, албатта. Полиглотликни тарғиб қилишар экан, жадидлар ҳеч қандай тарих саҳнасига чиқди. Буни эса қисмат, пешона ёзиғи дейдилар. Ижодкорлик қисмати, ижодкор пешона ёзиғи... Гарчанд жадид боболаримизнинг шайхий қисматлари фожалии яқун топган эса-да, (биронтаси ўз аҳали билан ўлмасан, аксинча, янги ўзбек адабиёти йўлбошчаларининг ҳаммаси айна ижодининг гулган вақтида қатагон қилинган!) номлари зикр этилган улуглар ижодкор сифатида чиндан-да бахтли эди. Шу маънода, уларга фақат ва фақат ҳавас қилиш мумкин.

Жипслик ва маърифат учун кураш

XX асрнинг илк чорағи Туркистонда сиёсий, диний ва бошқа турли мафкуравий курашлар, қарама-қаршилиқлар даври эди. Эл бир неча тоғфаларга бўлиниб, ўзаро тортишиб, бахслашарди. Вақти-вақти билан тўлиқ қонлар тўқиларди. Худди шундай зиддиятлардан бири жадидлар, янги қараш, янги фикр тарафдорлари билан қадимчилар, яъни эскини ҳўма кулўвчиларнинг олдиди кеңарди. "Мунозара"нинг бошланғичида ёзади: "Бўхорининг нажиб миллати бўлган ватандошларим, биринча вақтдан бўён жадид ва қадим ўртасида ихтилоф чиққани баъзи миллат хонинларининг хато ва фасодларидан бошқа нарса эмасдир. Муқаддас ватанимизни парчалаб, унинг аҳли жамоасини жадид ва қадим унволари остида икки фикрга ажратиб, уларнинг бирини иккинчисига душман қилиб қўйдилар".

Фитрат маъзур асарни элнинг бирлашишини умид қилиб, сабоқ бўлсин дея биттади. Айна пайтда, асар ўша вақтдаги урт аҳолидан, унинг таълим вазиётидан, мударрис савиясидан дарак берадики, уллар билан танишиш ўқувчи Туркистонинг қолқ бир ўлка бўлиб қолши сабабларини тушунади, беҳиктиёр бугунги кун билан таққослайди, улусалар чиқаради. Асардан парча келтирамиз:

Фаранги: Бўхоро қандай жой?
Мударрис: Бўхоройи шариф катта шаҳар, кўб илмларнинг маркази ҳам шириншарбат меваларнинг қони.
Фаранги: Бўхоро шарифлигининг биоси илмларнинг қўлтиғидинми ё меваларининг сароблиғидан?
Мударрис: Мен буларнинг ҳар иккаласини ҳам Бўхоронинг шарифлигини билдуровчи мустақил сабаблар, деб биламан.

Фаранги: Бир жойнинг шарифлиғига меваларининг қўлтиғи сабаб бўлмас?
Мударрис: Кўп яхши. Сиз илмларнинг қўлтиғини Бўхоронинг шарифлиғига сабаб деб билинг.
Фаранги: Дуруст. Аммо бир мулкнинг илмий қувватини билмак, у ердаги улумлар сонини билмакка боғлидир. Бас, айтинг-чи, Бўхоронинг жами нуфуси қанча?
Мударрис: Биродар! Мен бир (или билан) банд одам бўлсам, Бўхоронинг қайси кўчаларида юриб, унинг одамларини санабман?!
Фаранги: Йўқ, йўқ асло! Мен бундай деб айтсам, магар Сизнинг юртингизда жүрўхўё ўқумайдиларми?
Мударрис: Мен мударрис бўлсам, кечалари китоб кураман, қундузалари дарс айтаман. Қачон қўлим тегибдики, мундай жикоят китобларини ўқисам. Мундай ки-

Ибрат мактаби

Энди Фитрат ва бошқа жадидларнинг қандай вазиятда яшаб ижод қилганиларини, шу билан бирга, нега уллар бунчалар жон кўйдириб, жамиятни ҳар томонлама модернизация қилиш фикри ҳаёли билан тортириб, кун боттирганликларини тасаввур этиш қийин эмас. Зеро, Маҳмудхўжа Бехбудий "Эҳтиёжи миллат" мақоласида шундай ёзади: "... дунёда турмок учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймон бўлур".

Не ёзиқки, Бехбудий оғохлантирган қисмат туркистонликлар бошига тушиб, юрт қарийб 130 йил мобайнида мустамлака тушоуда суриниб келди. Энди ҳам ана шу муҳдиш хатолар тақдорнамаслиғи учун биз ўлимиздан сабоқ чиқариб, келажакка юз бурмоғимиз керак бўлади. Бунинг учун эса жадидлар илгари сурган ҳаётбахш гоғларга яқин қўриб, элни ҳар томонлама илму фанга, маърифатга эш қилиш тадбирларини олиш талаб этилади. Зеро, маърифатсизлик жаҳолатга олиб боради, жаҳолат эса ҳалоқатга. XX юз йиллик ибтидоида миллатнинг тафаккур гуллари маърифатсизликни юртининг энг оғриқ нукталаридан бири, деб билди. Улар истеъдодларини элни ўқумишли қилишга бағишлади, шу йўлда вақтлари, қулчари, маблаглари ва хатто жонларини ҳам аямди. Улар халқнинг маърифатли бўлиши юрт равнақи ва миллат тараққийсининг асоси деб ҳисоблади.

Инчунин, давлатимиз раҳбари парламент ва халқимизга Мурожаатномасида таъкидлагандек, биз қадимий ва бой тарихимизни, айнақса, гоғ оғир шaroитда илм-маърифат, инсон эркинлиғи, халқ озолиғи, Ватани, миллий қадриятларга меҳор ва садоқат гоғларини дадил кўтариб чиққан жадид боболаримиз фаолятинини янада чуқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улуг мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиғи янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур.

Улугбек ҲАМДАМ,
ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институтини бўлим бошлиғи, филология фанлари доктори, профессор, ёзувчи.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлиғида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 341. 21 355 нуسخада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Гезетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Ташхирриятга келган кўзёзмалар тақрир қилинмайдан ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетанинг оқтазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Гезета таххиррият компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Гезетанинг подлиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишини "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибнов,
Мусаҳҳиҳ — Ш. Маширабов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.10 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6